

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЎЎЛИДАГИ СИЁСИЙ ВА ДИПЛОМАТИК ФАОЛИЯТИ

Акобир Олимжон ўғли Тоиров

Ўз ФА Тарих институти кичик илмий ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6960848>

Аннотация. Ўзбек халқи давлатчилигида муҳим ўрин тутган хоразмишохлар салтанати 1219-1221 йилларда мўғуллар босқинига учрагач, султон Муҳаммад Хоразмишох фавқулотда қарор чиқаришга ва тўнғич ўғли Жалолiddин Мангубердини Хоразм қўшинига бошлиқ қилиб тайинлашга мажбур бўлади. У дастлаб Шимолий Ҳиндистонда, кейинчалик Яқин Шарқ минтақасида гарбий салжуқийлар ва айюбийлар билан сиёсий-ҳарбий ҳамкорликни ўрнатилишга эришди ҳам. Кейинги воқеаларда Жалолiddин Мангуберди ва унинг иттифоқчилари ўртасидаги келишмовчиликлар сабаблари турли манбаларда турлича келтирилади. Ушбу масалада бугунги кунда ҳам тарихчилар томонидан турли талқинлар илгари сурилади. Мазкур мақолада Жалолiddин Мангубердининг юқорида санаб ўтилган сиёсий ва дипломатик фаолиятига оид яна бир канча муҳим воқеалар (хусусан, мўғулларга қарши Исфаҳон жанги ва иттифоқчилари Аловуддин Койкубод ҳамда Малик Аишафларга қарши бўлиб ўтган Ясси-Чаман жанги) тафсилотлари сўнги Хоразмишох ҳақида маълумот берувчи асосий тарихий асарларнинг таҳлили асосида келтирилади.

Калит сўзлар: Жалолiddин Мангуберди, мўғул босқини, сиёсий иттифоқ, ҳарбий иттифоқчи, ҳаракатлар, ўзаро манфаатлар, мўғул босқини таҳдиди, Ҳилот фатҳи, Исфаҳон жанги, Ясси – чаман жанги.

ПОЛИТИКО-ДИПЛОМАТИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ДЖАЛАЛУДДИНА МАНГУБЕРДИ В БОРЬБЕ С МОНГОЛАМИ

Аннотация. Когда в 1219-1221 годах царство хорезмшахов, сыгравшее важную роль в государственности узбекского народа, было захвачено монголами, султан Мухаммад Хорезмшах был вынужден издать чрезвычайный указ и назначить главой Хорезмского войска своего старшего сына Джалалуддина Мангуберди. Ему удалось наладить военно-политическое сотрудничество с западными сельджуками и айюбидами сначала в Северной Индии, а затем и в ближневосточном регионе. В следующих событиях причины разногласий между Джалалуддином Мангуберди и его союзниками в разных источниках приводятся по-разному. Различные интерпретации выдвигаются историками по этому вопросу и сегодня. В данной статье подробно изложены некоторые другие важные события, связанные с упомянутой выше политико-дипломатической деятельностью Джалалуддина Мангуберди (в частности, битва при Исфахане против монголов и битва Яси-Чамана против его союзников Аловуддина Койкубода и Малика Аишафа), на основе анализа основных исторических работ, дающих сведения о последнем хорезмшахе.

Ключевые слова: Джалалуддин Мангуберди, монгольское нашествие, политический союз, военный союзник, действия, взаимные интересы, угроза монгольского нашествия, завоевание хилотов, битва при Исфахане, битва при Яси-Чамане.

POLITICAL AND DIPLOMATIC ACTIVITIES OF JALALUDDIN MANGUBERDI IN THE FIGHT AGAINST THE MONGOLS

Abstract. When in 1219-1221 the kingdom of Khorezmshahs, which played an important role in the statehood of the Uzbek people, was captured by the Mongols, Sultan Muhammad

Khorezmshah was forced to issue an emergency decree and appoint his eldest son Jalaluddin Manguberdi as head of the Khorezm army. He managed to establish military-political cooperation with the Western Seljuks and Ayyubids, first in Northern India, and then in the Middle East. In the following events, the reasons for the disagreements between Jalaluddin Manguberdi and his allies are given in different ways in different sources. Various interpretations are put forward by historians on this issue today. This article details some other important events related to the political and diplomatic activities of Jalaluddin Manguberdi mentioned above (in particular, the battle of Isfahan against the Mongols and the battle of Yasi-Chaman against his allies Alovuddin Koykubod and Malik Ashraf), based on an analysis of the main historical works giving information about the last Khorezmshah.

Keywords: *Jalaluddin Manguberdi, Mongol invasion, political alliance, military ally, actions, mutual interests, threat of Mongol invasion, conquest of Khilots, Battle of Isfahan, Battle of Yasi-Chaman.*

КИРИШ

Ўзбек халқининг озодлик ва миллий мустақиллик учун курашлари тарихида Хоразмшоҳларнинг сўнгги вакили Жалолиддин Мангубердининг ўзига хос ўрни бор. Манбаларда Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши курашлари борасида кўпгина маълумотлар мавжуд бўлса-да, унинг дипломатик фаолияти ханузгача чуқур ўрганилмаган. Хусусан, Жалолиддин Мангубердининг Ҳиндистон ва Яқин Шарқдаги ҳукмдорлар билан дипломатик алоқалар ўрнатишга интилишлари ҳамда бунинг натижалари борасидаги маълумотларга аниқлик киритиш зарур. Хоразмшоҳ ҳукмдорнинг ушбу ҳаракатлари Синд (Ҳинд) дарёси бўйидаги мағлубиятдан сўнг мўғул кўшинига қарши курашиш учун иттифоқчилар кераклигини англаган ҳолда сиёсий фаолият олиб бориш зарурияти билан боғлиқ бўлиб, мақолада масаланинг айрим жиҳатларини манбалар таҳлили асосида очиб беришга ҳаракат қилинди.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Маълумки, мўғулларнинг 1219 – 1221 йилларда Турон ўлкасига қаратилган ҳарбий юришлари Эрон, Ироқ, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон ерларини ҳам ўз ичига олган Шарқдаги энг қудратли салтанатлардан бири – Ануштегинийларнинг (1077 – 1231) тарих саҳнасида кетишларига сабабчи бўлди. Ануштегинийларнинг охириги ҳукмдори Жалолиддин Мангуберди (1199 – 1231) мўғулларнинг минтақани эгаллашига имкон даражасида қаршилиқ кўрсатди ва ҳатто 1221 йилдаги Парвон жангида Шиги – Хутуху¹ бошчилигидаги мўғул кўшинини мағлуб этди. Аммо ўша йили Чингизхонга қарши Ҳинд дарёси бўйида бўлиб ўтган жанг Хоразм кўшинининг мағлубияти билан тугади.

Жалолиддин Мангуберди ҳақида маълумот берувчи манбалар ушбу мураккаб даврда ҳам сўнгги Хоразмшоҳнинг кучли иттифоқчилари мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Жалолиддиннинг мазкур ҳаракатларининг барчасини ҳам айнан мўғулларга қарши ёрдам олиш истаги билан изоҳлаб бўлмайди. Негаки, Жалолиддин ушбу иттифоқчилардан халифалик, Кичик Осиё ва Кавказдаги ҳудудларини бўйсундиришда ҳам фойдаланган. Лекин шуни ҳам таъкидлаш зарурки, ҳукмдорнинг мазкур ҳудудларда давлат тузишдан бош мақсади – асосий рақиби Чингизхонга қарши туриш эди.

Ҳинд дарёси бўйидаги мағлубиятдан кейин омон қолишга муваффақ бўлган Жалолиддин кўшинини қайта ташкил этиб, Ҳиндистон шимолида ўз ҳукмронлигини

¹ Шиги-Хутуху Нуён – Хўжанд ва Самарқанд шаҳарларини босиб олишда жонбозлик кўрсатган мўғулларнинг машҳур саркардаси. 1206 йилда Чингизхонга содиқлик қасамини ичган ва унинг энг ишончли саркардаларидан бири бўлган.

ўрнатиш учун курашга киришди. 1221 – 1225 йилнинг бошларигача бўлган вақтда у Шимолий Ҳиндистондаги ўнга яқин катта-кичик шаҳарларни забт этишга муваффақ бўлди. Бу даврда Ҳиндистонда Шамсиддин Элтутмиш² (1211 – 1236) ҳукмронлик қилар эди. Шимолий Ҳиндистондаги Учча ва Хатисар шаҳарлари забт этилганидан сўнг Жалолиддин ва Элтутмишнинг тўқнаш келиши аниқ бўлиб қолади. Лекин Элтутмиш Жалолиддин билан жанг вақтида кучли рақибга қарши чиққанлигини тушуниб етгач, элчилар орқали сулҳ тузишни таклиф этади. Унга кўра, Элтутмиш кўплаб мол-мулк ва қизини Жалолиддинга беришга ваъда қилиб, курашни тўхтатишини сўрайди. Шунингдек, Элтутмиш Жалолиддинга ордан келаётган душманга (мўғуллар) қарши туришда елкадош бўлишни таклиф қилади³.

Элтутмишга ишонган Хоразмшоҳ унинг фитнасида беҳабар қолади. Жалолиддиннинг бу минтақадаги фаолиятига қарши Элтутмиш бошчилигидаги Шимолий Ҳиндистон ҳукмдорлари иттифоқи тузилди, натижада Жалолиддин мазкур ҳудудни тарк этиб, Эроннинг жанубий ҳудудларига кетишга мажбур бўлди. Мўғулларгача бўлган даврда бу ҳудудлар Хоразмшоҳлар сулоласи мулклари ҳисобланар эди. Ануштегинийлар сулоласининг охирги вакили Эронда ўзининг мустақил давлатига асос солишни ҳам мақсад қилган эди.

Янги ҳудудларни босиб олиш ва ҳарбий қудратни мустаҳкамлаш жараёнида Хоразмшоҳ ўзининг дипломатик салоҳияти туфайли Яқин Шарқ ва Кичик Осиё сиёсий етакчиларининг кўплари билан бирлашишга эришди. Мўғулларга қарши иттифоқ тузишга уринишлар 1225 йилда, Жалолиддин Ҳиндистонни забт этиб, Эроннинг жанубий вилоятлари – Кирмон ва Форсни ўзига бўйсундирганидан кейин янги босқичга кўтарилди. Жалолиддин Яқин Шарқ минтақасида ҳукмронлик қилаётган ҳукмдорларнинг умумий душманга қарши охиригача елкадош бўла олишига ишонган эди. Шу мақсадда Жалолиддин Ҳиндистондалигида Чингизхонга қарши курашиш учун Шамсиддин Элтутмиш билан иттифоқ тузган эди. Эҳтимол, у шимолдан бостириб келаётган мўғуллар билан курашиш учун Ҳиндистонда Элтутмишдан бошқа муносиб иттифоқчи йўқлиги сабабли шундай йўл тутган бўлиши мумкин. Яқин Шарқда эса Жалолиддин учун танлаш имконияти оз бўлса-да, мавжуд эди.

Жалолиддин дипломатик алоқалар ва иттифоқ тузиш тадбирларидан олдин, ишни Эронга яхшилаб ўрнашиб олишдан бошлади. Аввало ўз укаси Гиёсиддинни Ироқ ва жануби-ғарбий Эрон ерлари бошқарувидан четлатди. Иниси томонида бўлганлар жазоланди, уларнинг айримларига омонлик берилди⁴. Шу вақтдан бошлаб мазкур ҳудудларда Жалолиддиннинг исми хутбада зикр этила бошланди⁵.

Жалолиддин Мангуберди Ироқ Ажами ҳудудларини босиб олиш ва халифа билан курашиш мақсадида иттифоқчилар излай бошлади. Унинг бу ҳаракатларини ўша даврдаги Хоразм ва халифалик ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг манتيкий давоми деб баҳолаш мумкин. Бу адоватлар Мухаммад Хоразмшоҳ даврида бошланган, мўғуллар босқини вақтида ҳам халифалик бу жараёнларга хайрихоҳ эканлигини яширмаган эди. Ироқ Ажамининг Жалолиддин томонидан эгалланишини Хоразмнинг мўғул қўшинлари томонидан мағлуб қилинганлиги учун халифаликдан қасос олиш сифатида изоҳлаш мумкин.

² Шамсиддин Элтутмиш – 1206 – 1555 йилларда Ҳиндистоннинг шимолида ҳукмронлик қилган Мамлук султонларининг учинчи вакили.

³ Tabakāt-i-Nāširi: A General History of the Muhammadan Dynasties of Asia, Including Hindustan and the Irruption of the Infidel Mughals into Islam. by Minhāj-ud-dīn, Abū-'Umar-i-'Usmān. Transl. by H. G. Raverty. Vol. 1. London. 1881. P. 294-295.

⁴ 1219 – 1221 йилларда, мўғул босқини вақтида салтанатнинг айрим мулозим ва саркардалари Жалолиддиннинг укаси Гиёсиддинни валиаҳд қилиб тайинлашга ҳаракат қилганлар. 1221 йилда Гиёсиддин ўз тарафдорлари билан Эроннинг жануби-ғарбий ҳудудларига келиб ўрнашган эди.

⁵ Насави. Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны. Пер. З. М. Буниятова. Баку. 1973. С. 142-143.

Жалолоддин эҳтимол халифанинг мўғуллар билан яширин ёзишмаларини билган ва шунинг учун Бағдодга юриш пайтида асосий иттифоқчиларидан бўлмиш Дамашқ султони Малик Муаззам⁶ (1218 – 1227) ва унинг иниларига қуйидаги мактубни ёзган: “Сизлар мен билан шартнома тузишга тайёр бўлинг – биз халифаликка қарши ҳаракат қиламиз, чунки у мусулмонларнинг ўлимига, отамнинг ўлимига ва кофирларнинг ислом мамлакатларига ҳужумига сабабчи бўлган”. Тарихчи олим З.Буниятовнинг ёзма манбага таяниб берган фикрича, халифа Носирнинг⁷ мўғуллар билан махфий ёзишмалари ҳақидаги тахминларни тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлиб, уларнинг асосий мақсади Хоразмшоҳлар давлатини йўқ қилиш эди⁸. Демак, халифанинг Жалолоддинга қарши махфий тарзда мўғуллар билан тил бириктирганига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Жалолоддин ва Малик Муаззам ўртасидаги иттифоқнинг мўғуллар таҳдидига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган сабаблари мавжуд эди. Буни оддий мулоҳазалар билан тушунтириш мумкин. Малик Муаззам Миср ва Суриянинг марҳум ҳукмдори Айюбий Малик Адланнинг (1200 – 1218) ўғилларидан бири бўлиб, акаси Малик Комил (1218 – 1236 йилларда Миср Султони) билан олий ҳокимият учун кураш олиб борган (бу курашда халифа Носир Муаззамнинг оғалари томонида бўлган). Ушбу курашда Малик Муаззам қимнингдир ёрдамига муҳтож бўлиб, шу сабабли Жалолоддин билан ҳарбий иттифоқ тузди. Ўз ўрнида Жалолоддиннинг Бағдодга қарши юриши учун ҳам Малик Муаззамнинг ёрдами керак эди. Муаззам жанубдан ҳам, шимолдан ҳам зарба беришга ботина олмас, шунинг учун у Хоразмшоҳнинг нафақат халифа Носирга, балки ўз укаси Малик Комилга қарши фаол ҳаракатларидан ҳам манфаатдор эди.

1225 йилга келиб Жалолодиннинг Малик Муаззам билан иттифоқчилик муносабатларини ўрнатилди ва улар ўртасида элчилик алмашинуви халифаликка қарши юриш арафасида бўлиб ўтди. Араб тарихчиси Абу Шама Мақдисининг⁹ маълумотларига кўра, Жалолоддин ва Муаззам ўртасидаги илк муносабатлар 1222 йилда бошланган. Шу йили Муаззам Жалолоддинга ўзининг элчиларини жўнатган (бу вақтда Жалолоддин Шимолий Ҳиндистонда эди). Насавийда ва бошқа манбаларда бу ҳақида маълумот йўқ. З.М. Буниятовнинг фикрича, Жалолоддинни бу даврда фақат Ҳиндистон қизиқтирган ва келажакда Муаззам таклиф этган иттифоқчилик бўйича у минтақаларда фаолият олиб бориш нияти бўлмаган. Шу сабабли манбаларда ушбу воқеалик ёритилмай қолиб кетган¹⁰.

Хоразмшоҳлар вакилининг дипломатик фаолияти айниқса 1225 йилдан – Бағдодга қарши юришидан кейин сезиларли бўлади. Жалолоддин Озарбайжондаги Отабеклар давлатини забт этганидан сўнг Коня султони Аловуддин Койкубод I (1219 – 1239)¹¹ билан ҳам элчилик алоқаларини ўрнатишга киришди¹². Бунинг асосий сабабларидан бири Жалолоддиннинг Гуржистонга юриш учун ҳарбий ёрдам олишга интилиши эди. Шу мақсадда Жалолоддин Умар ибн Саъд Хоразмийни Койкубод I ҳузурига жўнатади. Койкубод I томонидан Жалолоддин элчилари илиқ кутиб олинади ва ўзаро хабар

⁶ Малик Муаззам Исо Шарафиддин (1176 – 1227) – Айюбийлар сулоласининг вакили, 1218 – 1227 йилларда Сурия ҳудудларини бошқарган ҳукмдор.

⁷ Абул Аббос Аҳмад Носир (1158 – 1225) – Аббосийлар сулоласининг вакили, 1180 – 1225 йилларда халифаликни бошқарган.

⁸ З.М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 1097 – 1231. М. 1986. С. 163.

⁹ Абу Шама Мақдиси – 1203 – 1267 йилларда яшаган араб тарихчиси. “*Китоб Раудатайн фи ахбар даулатайн ан-нурийя ва-с-салаҳийя*” (الكتاب الروضتين في أخبار الدولتين النورية و الصلاحية). “Икки мамлакат ва унинг икки боғи ҳақида китоб” асари муаллифи.

¹⁰ Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 1097 – 1231. С. 162.

¹¹ Аловуддин Койкубод I – Салжукий ҳукмдор, Коня султонлигининг 1219 – 1237 йиллардаги ҳукмдори.

¹² Шихобиддин Муҳаммад Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти. К. Матёкубов таржимаси. Тошкент. 1999. 199-бет; Ибн Асир. «Ал-Камил фи-т-тарих». «Полный свод по истории». Избранные отрывки. Пер. П. Г. Булгакова, Ш. С. Камолитдина. Ташкент. 2006. С. 370-371; Джувеини. Чингиз-хан. История завоевателя мира. Пер. Е.Е. Харитоновна. Москва. 2004. С. 298-299.

алмашилганидан сўнг улар Хоразмшоҳ хузурига кузатилиб қўйилади. Элчилик натижасида Койкубод I ва Жалололдин ўртасида иттифоқ тузилади. Бу ҳақидаги хабарни элчи орқали Койкубод I ўз номасида ёзиб юборган эди. Жалололдин ва Койкубод I нинг илик муносабатлари қариндошчилик алоқалари орқали ҳам мустаҳкамланади. Чунки Койкубод I нинг ўғли Койхусрав II (кейинчалик Конянинг султони, 1236 – 1245) ва Жалололдиннинг қариндоши – Шероз хукмдори Абу Бакр ибн Сааднинг (1226 – 1260) синглиси ўртасидаги никоҳ бунга замин яратади.

Шу тариқа, Гуржистонга юришидан олдин Жалололдин учун кучли ҳарбий иттифоқчи пайдо бўлди. Бу орада Жалололдинга Дамашқ султони Малик Муаззамдан мактуб келади. Жалололдин Койкубод I га нома жўнатиш вақтида унга ҳам мактуб жўнатган ва Гуржистонга юриши ҳақида маълум қилган эди. Ушбу жавоб мактубида Малик Муаззам ҳам мазкур юришга хайрихоҳ эканлиги ва ёрдам қўлини чўзишга тайёрлигини билдирган.

Озроқ вақт ўтгач, Жалололдиннинг Гуржистонга юришида яна бир кўмакчи пайдо бўлади. Абрил (Эрбил) вилоятининг ҳокими Кўк Бўри Хоразмшоҳга содиқлик изҳор этиб, ўз қўшини билан унга ёрдам беришга рози бўлади. Айнан Кўк Бўри ва Жалололдин ўртасида иттифоқчилик алоқалари қай даражада бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар манбаларда кўп учрамайди. Муҳаммад Насавийнинг қайд этишича, Кўк Бўрининг ўзи ташаббус кўрсатиб, Жалололдинга ҳарбий кўмак беришга тайёр эканлигини билдирган. 1225 йилдан кейин Жалололдиннинг сиёсий ва ҳарбий шуҳрати бекиёс даражада ошади. Муаззам ва Кўк Бўри томонидан хутбаларда Жалололдиннинг номи ҳам қўшиб ўқиладиган бошланган. Ҳатто улар забот этган тангаларда ҳам Хоразмшоҳ Жалололдиннинг номи зикр этила бошланган¹³.

Хоразмшоҳ ва юқорида айтиб ўтилган хукмдорлар ўртасидаги иттифоқчилик муносабатлари фақатгина мўғуллар таҳдиди туфайли эмас, балки шошилиш ва умумий геосиёсий вазифалар асосида қурилган, десак муболаға қилмаган бўламиз. Бунинг бир нечта сабаблари бўлиб, биринчи навбатда Гуржистон киролигидан Жанубий Кавказ ва унга қўшни минтақаларга нисбатан таҳдидни камайтириш ёки бутунлай йўқ қилиш зарурияти мавжуд эди. Иккинчидан, халифа Носирнинг қасос олишга уринишларидан сақланиш учун ҳам шундай иттифоқ зарур эди. Шимолдан Ирбил¹⁴ хукмдори, ғарбдан Султон Койкубод I ва жануби – ғарбдан Малик Муаззам халифага таҳдид қилиб туриш учун керак эди. Шундан келиб чиқиб, мўғуллар хавфи туғилганда кучли ҳамкорларга эга бўлиш Жалололдин учун иттифоқчилик режаларининг устувор масалаларидан бўлган.

Бироқ, у қўл остидаги ва унга қўшни ҳудудларни мўғуллар хавфидан сақлаб қолиш учун иттифоқчиликни кучайтириш ва янги иттифоқчилик муносабатларини ўрнатиш йўлини танламади. Гуржистон эгаллаб олингандан ва Жанубий Кавказнинг катта қисми Хоразмшоҳга бўйсундирилгандан сўнг Хилот¹⁵ вилоятини эгаллашга қаратилган такрорий уринишлар ва Кичик Осиёдаги сиёсий вазиятга аралашиб Жалололдиннинг иттифоқчиларини аллақачон эҳтиёткор қилиб қўйган эди¹⁶.

1227 йилда Эрон ҳудудларида мўғул ҳарбий бўлинмалари пайдо бўлгандаги кичик тўқнашувларда ва Хоразмшоҳнинг улар билан Исфаҳондаги жангида хукмдор фақат ўз кучларига таянган. Рашиддин ва Насавий бу жангни тасвирлар эканлар, ҳар иккисида икки хил талқин келиб чиқади. Ҳар иккала муаллиф Исфаҳон жангида рақиб томонларнинг биттаси ҳам мағлубиятга учрамаганлигини таъкидлайди. Тўғри, Насавийда дастлаб мўғул

¹³ Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 1097 – 1231. М. 198. С. 168.

¹⁴ Ирбил – Ироқ шимолидаги (тарихий) вилоят.

¹⁵ Хилот – Ироқ шимолида жойлашган, аҳолиснинг катта қисми курдлардан иборат тарихий вилоят.

¹⁶ Ibn Khaldun. Al-Ibar va divan al-mubtida va-l-habar. Journal Asiatique. Paris. 1849. T. XIV. Pp. 510–518; Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны. С. 172.

қўшини қўли баланд келгани келтирилган, лекин асарда бу Жалололидиннинг ҳарбий хийласи эканлиги ва яқунда жанг унинг ғалабаси билан яқунлангани ўз аксини топган.

Мазкур жанг тақдири ҳақидаги Ибн Асирнинг маълумотлари Насавий маълумотларини тасдиқлайди. Бирок, у Жалололидин Исфаҳон жангида жуда қийинчилик билан ғалаба қозонганини қайд этиб, ҳарбий хийла қўллагани (чекинаётганда пистирмадаги суворийлар унга кўмакка келганлар) сабабли жанг тақдири унинг фойдасига ҳал бўлганлигига ишора беради¹⁷.

“Тарихи Салжук” асарида мазкур жанг ҳақида: “Чингизхон Журмихонни¹⁸ катта қўшин билан юборди ва Барак Хожиб ҳам Жалололидинга қарши (юриш)га қарор қилди. Балхдан унчалик узоқ бўлмаган жойда улар тўқнашдилар, Жалололидин маслаҳатлашгандан сўнг жангга киришди ва мағлубиятга учради, шундан сўнг у Озарбайжонга қочиб кетди. Журмихон ўша ҳудудни эгаллади, Жалололидин ўша пайтда қўшин йиғаетган эди. Ниҳоят, уларнинг қўшинлари яна бир-бири билан тўқнашди, Журмихон мағлубиятга учради ва асирга олинди”, – деб маълумот берилган¹⁹.

Манбаларда 1227 йилда Исфаҳонда мўғуллар билан бўлган жанг арафасида Жалололидин иттифоқчиларидан ёрдам сўраб мурожаат қилгани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ – бу жангда у фақат ўз кучларига таянган бўлиши мумкин. Эҳтимол, ушбу икки йил мобайнида Хоразмшоҳ томонидан яратилган Яқин Шарқ ва Кичик Осиё ҳукмдорларининг иттифоқи ўз фаолиятини тўхтатган ёки фаол бўлмаган иттифоқчилик ҳолатига келиб қолган.

Бу пайтда Жалололидин ва унинг иттифоқчилари орасидаги муносабатларнинг узилганлиги ёки сусайганлиги борасида бир қанча тахминларни кўрсатиш мумкин. Биринчидан, бу Жалололидиннинг Ҳиндистондан қайтиб келганидан кейин амалга оширган нисбатан тажовузкор ташқи сиёсати билан боғлиқ. Хоразм ҳарбий юришлари Бағдод ва Гуржистон қироллигига қарши қаратилган бўлса-да, 1225 ва 1226 йилларда тинимсиз ҳарбий юришларнинг уюштирилиши натижасида иттифоқчилар нигоҳида Жалололидин фақатгина ҳарбий кучга таянган ҳукмдор сифатида гавдаланди ва улар унинг “қиличсиз” дипломатия юритиш жиҳатларини кам пайқадилар. Иккинчидан, Гуржистон ҳарбий кучлари мағлуб бўлганидан ва Жанубий Кавказда ҳукмронлик қила бошлаганидан сўнг Хоразмшоҳ қўшни давлатларнинг ишларига фаол аралашни бошлади. Учинчидан, унинг Ҳилот қаъласини эгаллагани иттифоқчиларини хавотирга солмасдан қолмади. Сабаби, юқорида таъкидланган – Жалололидиннинг илк иттифоқчиларидан бўлган Дамашқ султони Малик Муаззамнинг укаси Ашраф Ҳилот вилояти ҳукмдори эди. Ҳилот қаъласининг Жалололидин томонидан забт этилишини Коня султони Койкубод I ҳам илиқ кутиб олмади. Чунки, Ҳилотнинг эгалланиши унинг давлати, умуман, Кичик Осиё минтақаси билан буфер зонанинг йўқ бўлишига олиб келди. Койкубод I ҳумронлик қилаётган ҳудудларга ўз ҳудудларининг деярли тугашишини амалга оширган Хоразмшоҳ айни вақтда ушбу кучли иттифоқдошидан узоқлаша бошлаган эди.

Бошқа томондан, Жалололидиннинг ҳарбий муваффақиятлари ортида у яратган давлатнинг ички сиёсий муаммолари кўзга ташланмаган эди. Асосан ҳарбий ҳаракатлар билан банд бўлган Жалололидин забт этилган вилоятлар раҳбарларига кам эътибор қаратар, натижада уларнинг аксари мустақил сиёсат юритишга, балки марказдан тўлиқ мустақилликка эришишга, ундан ажралиб чиқиб, ўз давлат тузилмаларини

¹⁷ Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Пер. А. К. Арндса, Ю. П. Верховского, О. И. Смирновой, Л. А. Хетагурова. Москва. 2002. С. 243-244; Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны. С. 185; Ал-Камил фи-т-тарих. «Полный свод по истории». С. 392-393; Чингиз-хан. История завоевателя мира. С. 309.

¹⁸ Журмихон – Чингизхон армиясидаги етакчи саркардалардан ҳисобланган. Кейинчалик нўён даражасигача кўтарилган амалдор.

¹⁹ Ibn-Bibi. Histoire des Seldjoucides d'Asie Mineure d'apres l'abrege du Seldjouknameh d'Ibn-Bibi. Texte Persan. Recueil de textes relatifs a l'histoire des seldjoucides. M.Th. Houtsma. Vol. IV. Leiden, 1902. Pp. 147-159.

шакллантиришга ҳаракат қилар эдилар. Воқеаларнинг бундай ривожига Кирмон вилояти ноибининг фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. Кирмон волиий Барак Хожаб 1225 йилдан охирларидан буён мустақил равишда ҳукмронлик қилар ва Жалолиддиннинг ўзи бу ҳолатга унчалик эътибор бермаган эди. Натижада ушбу минтақавий ҳукмдор нафақат Хоразм давлатидан мустақилликни қўлга киритди, балки Жалолиддиннинг рақиблари билан ҳам алоқалар ўрнатди. “Барак Хожаб бу икки мамлакатда иттифоқчиларига эга бўлиш учун дарҳол элчиларни катта қурбонликлар ва совғалар билан Бағдод халифаси саройига, сўнгра Чингизхон ҳузурига юборди. Халифанинг муқаддас саройидан у Қутлуғ Султон, Чингизхон девонидан эса Қутлуғ Хон номларини қабул қилиб олди”²⁰.

Жалолиддин қайсидир давлат ҳукмдорига мактуб жўнатмоқчи бўлса бош вазири Шараф Мулк билангина маслаҳатлашган, холос. Аммо мазкур вазирнинг баъзи тарихий жараёнларда Жалолиддинга панд берганлиги манбаларда қайд қилинган. Биргина Насавийнинг ўзида бундай ҳолатни бир неча бор учратиш мумкин. Жумладан, муаллиф Жалолиддин ва Койкубод I орасидаги совуқ муносабатларнинг бошланишига ҳам айнан Шараф Мулк сабабчи бўлганлигини қайд этган. Ёки бўлмаса унинг Озарбайжонда олиб борган қаттиқ сиёсатини ва исмоилий савдогарларнинг ўлимга дучор қилинишларини аслида Жалолиддинга панд бериш сифатида қараш мумкин²¹. Хоразмшоҳлар забт этган минтақалардаги беқарорликлар, содир бўлиши мумкин бўлган қўзғолонларни бостириш ёки муаммога ечим топиш бўйича аниқ ишланмалар бўлмаганлиги ҳам бизга маълум. Гуржистонда, Ганжа, Кирмон вилоятларида айнан шундай ҳолатлар кузатилган. Ҳатто Кирмон вилояти ҳукмдори ҳамда аҳолиси мўғуллар тарафига ўтиб кетган²².

Жалолиддин томонидан тузилган иттифоқнинг парчаланишига ва унинг кейинг ҳалокатли тақдирга дучор бўлишига маълум маънода Коня султони Койкубод I ҳам сабабчи бўлган эди. Ҳилот вилоятига Жалолиддиннинг биринчи юриши (1228) Коня султони Койкубод I ни хавотирга солгани аниқ. Лекин манбаларда келтирилишича, айнан Койкубод I нинг ўзи бу юришнинг яширин ташаббускори бўлган. Ўзининг доимий душманларидан бўлган Айюбийлардан ёки келажакдаги кучли рақибларидан бирига айланиши мумкин бўлган Жалолиддиндан қутулишнинг бир йўли сифатида ҳам Коня султони мазкур ишга қўл урган. Жумладан, Койкубод I ўз мактубида ҳар хил ёрдам ваъда қилиб, Хоразмшоҳни Айюбийларга қарши фаол ҳарбий ҳаракатлар олиб боришга ундаган²³.

Бироқ, Айюбийлар билан тўқнашув Хоразмшоҳ учун омадли бўлмади. Хусусан, Коня султони билан тузилган коалициянинг мустаҳкамланишига умуман ёрдам бермади, унинг ҳарбий кучи беҳуда сарфланди, шунингдек содиқ иттифоқдоши, кейинчалик вафот этган Аюббий Муаззамнинг яқинлари билан душман бўлиб қолишга олиб келди. Исфаҳондаги жангда мазкур ёрдамнинг етишмаганлиги Жалолиддинга панд беришига бир баҳя қолган бўлса ажаб эмас.

Ҳилотнинг 1230 йилда Хоразм кўшинлари томонидан иккинчи маротаба босиб олиниши Жалолиддин ва унинг иттифоқчилари ўртасидаги сиёсий муносабатларни мустаҳкамлашдан кўра, янада мураккаблаштирди. Хусусан, шу ўринда Койкубод I нинг Жалолиддинга нисбатан хоинларча ҳаракатларини кузатиш мумкин. Койкубод I Коня ҳудудларига яқинлашиб қолган Жалолиддиндан юз ўгирди ва мўғуллар билан алоқаларни ўрната бошлади. Ҳаттоки, Койкубод I Жалолиддинга мўғулларга бошқа қарши чиқмаслигини сўраб хат ҳам ёзган. Бу ҳақдаги маълумот бизгача Ибн Бибнинг асари орқали етиб келган²⁴. З.М. Буниатов ушбу тарихий асардан бизни қизиқтирган парчанинг

²⁰ Natanzi Moin ad-Din. *Montahab at-tavarikh-e Moini*. Tehran. Translate by. N. Hossieni. 1957. P. 23.

²¹ Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти. 278-300-бетлар.

²² Ал-Камил фи-т-тарих. «Полный свод по истории». С. 388-395; Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти. 224-265-бетлар.

²³ Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов, 1097 – 1231. С. 176.

²⁴ *Histoire des Seldjoucides d’Asie Mineure d’apres l’abrege du Seldjouknameh d’Ibn-Bibi*. Pp. 147-159.

таржимасини келтирган. “Биз ғолиб султонга катта ҳурмат билан қараймиз. Биз ишонамизки, бугунги кунда мўғуллар билан тинчлик сувини ичиш барчамиз учун энг мақбул йўлдир. Ва агар бу мақбул бўлса, Султон (Жалолоддин) тинчлик музокаралари эшикларини ўз тарафидан очиш учун ҳамма нарсани қилсин. Султон зудлик билан мўғулларга элчилар юбориши барча мусулмонлар манфаати учун фойдали бўларди. Ва умид борки, юмшоқ сўзлар, пул ва совғалар ёрдамида ҳар икки томон ҳам ҳамма жойда ёнаётган низо оловини ўчиради. Албатта, Султон шу йўналишда ҳаракат қила бошласа, бизнинг имкониятларимиздан яна фойдалана олади. Агар султон ўз давлатининг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиб, ушбу ягона қарорни амалга оширишга муваффақ бўлса, у ҳолда у ўз қўшинларини Гуржистон ва қўшни ерларнинг насронийларига қарши юришлардан озод қилади ва уларни Арранга²⁵ қарши юришларда ишлатади. Агар Султон мўғулларга элчилар юбориб, шартнома ва тинчлик сўраса, мусулмон мамлакатлари зулмидан ва мақсадсиз қон тўкилишидан воз кечса, у ҳолда биз ундан на олтин ва на кумушни аямаймиз. Аммо у хоинларнинг қўзғатиши билан бу маслаҳатлардан юз ўгирса, унда мусулмон ҳукмдорлари жамоасига тушунарли жавоб бериш керак бўлади. Биз ўз мақсадларимизга эришамиз, таҳдидларни қайтариш йўлини танлаймиз ва ўз манфаатларимиз учун курашамиз”²⁶.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Кўриб ўтганимиздек, Койкубод I нинг Хоразмшоҳга йўллаган мазкур хабарида бир қатор талаблар илгари сурилган ва аслида уларни бажаришнинг имкони йўқ эди. Жумладан, у Жалолоддинга Гуржистон қироллигига тажовузни тўхтатишни таклиф қилган, демак, Хоразмшоҳ аллақачон босиб олинган ҳудудидан воз кечиши лозим эди. Шубҳасиз, Койкубод I нинг таклиф ва талаблари Хоразмшоҳлар учун номақбул ва ҳатто ҳақоратли бўлиб туялган. 1219 йилдан бошлаб мўғуллар босқинига қарши курашаётган энг барқарор рақиб, душманга қарши курашда баъзида ҳамма нарсани йўқотган, баъзида йўқдан бор қила олган бўйсўнмас саркарда учун бундай дипломатия юритиш ақлга сиғмас ҳолат эди.

Умуман, Койкубод I ни Жалолоддин тақдирини ҳал қилувчи шахслардан бири сифатида кўриш мумкин. Жалолоддин Коня султонининг ислом оламидаги мавқеи ва қудратига ишонган ҳолда у тузган хоинларча режанинг қурбонига айланди. Койкубод I аввал Жалолоддинни бошқа иттифоқчиларига қарши қайради ва имконсиз талаблари билан уни қуюшқондан чиқишга мажбур қилди. Бунинг натижаси эса сўнги Хоразмшоҳ учун ҳалокатли бўлди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Насавийнинг асарида Жалолоддин ва унинг асосий иттифоқдоши Койкубод I ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашишига асосий сабабчи қилиб бош вазир Шараф Мулк кўрсатилган. Бу ҳақда батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, икки султоннинг муносабатларини бузувчи шахс сифатида Шараф Мулк номининг келтирилиши ўша даврдаги Насавийдан бошқа манбаларда учрамайди. Буни бошқа асар муаллифларининг Жалолоддин ҳаётида ҳақида батафсил хабари бўлмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Насавий вазир Шараф Мулкнинг фитналари Хоразмшоҳнинг ҳаракатларига ва ушбу урушга туртки бўлган деб ҳисоблаган²⁷.

Можарога сабаб бўлган омиллардан яна бири бу Хоразмшоҳнинг яқин амирларидан бўлган Рукниддин Жаҳоншоҳ ибн Туғрулнинг нотўғри ва кескинлик келтириб чиқарувчи маслаҳатидир. У ўз ҳукмдорига Койкубод I талабларига кўнмагани учун Шом ҳукмдорлари билан Жалолоддинга қарши юришни режалаштираётгани ҳақида хабарни етказди. “Султон (Жалолоддин) Ҳилотни эгаллаб, янги режаларга киришганда Маназжирд қаъласига боради. Арзан ҳукмдори Рукниддин Жаҳоншоҳ ибн Туғрул унинг олдида келади.

²⁵ Арран ёки Аррон – Бугунги кунда катта қисми Озарбайжон ва Арманистон ҳудудида жойлашган тарихий ҳудуд. мусулмон тарихчилари томонидан ўрта асрларда бугунги Кавказ ҳудудларида жойлашган шаҳарларига умумий шундай ном берилган.

²⁶ Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов, 1097 – 1231. С. 178-179.

²⁷ Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны. С. 246-247.

У султонга Шом (Ироқ) ва Рум (Кичик Осиё ҳудудлари, бу даврда эса Коня султонлиги) ҳукмдорларининг унга қарши иттифоқи ҳақида хабар беради ва шундай дейди: “Ҳақиқатан ҳам, улар бирлашиши олдин ҳаракат бошласангиз оқилроқ бўлар эди. Тайёр бўлгунларига қадар уларнинг ҳар бирига қарши алоҳида, бир-бирдан ажратган ҳолда ҳаракат қилиш керак. Бу уларнинг биргаликда ҳаракат қилиш ниятларини амалга оширишларига рухсат беришдан кўра афзалроқдир”²⁸.

Музокаралар муваффақиятсизликка учраганидан сўнг, Жалолиддин унга қарши тузилган Шом – Коня иттифоқи билан очиқчасига қарама-қаршилиқни бошлайди. Дарвоқеа, баъзи манбаларда ушбу иттифоққа халифа Носирнинг ҳам киргани келтирилган²⁹. Уларнинг баъзилари яқин вақтгача Хоразмшоҳ билан иттифоқчилик алоқаларида бўлганлар. Манбаларда Жалолиддинга қарши гуруҳ таркибига Дамашк ҳукмдори Малик Ашраф³⁰, Ҳаша ҳукмдори Иброҳим Ширкух, Хартаберт ҳукмдори Уртук Хон, Халаб Шамсиддин, Саваб ҳукмдори, Маяфарикин султони Шихобиддин Ғозий ва Баняса султони Суниз Усмонлар кирганлиги келтирилган³¹.

Ушбу вазият натижасида ҳарбий тўқнашув келиб чиқди ва тарихда бу жанг "Ясса – Чаман жанги" деб ном олди. Ўша даврнинг муҳим манбаларидан бўлган Ибн Асир ва Насавийнинг асарларида бу ҳақида маълумотлар келтирилган. Ясса – Чаман жанги тафсилотларига тўхталадиган бўлсак, Ибн Асирнинг асарида Жалолиддин жанг давомида иттифоқчилар томонидан ҳеч қандай имкон қолдирилмаган ҳолда мағлубиятга учрагани таъкидланади³². Насавийнинг асарида жангнинг ўзи ҳақида ҳам, Хоразм қўшинининг мағлубияти сабаблари тўғрисида ҳам бошқа тафсилотлар берилган – ушбу муаллиф Жалолиддиннинг касаллиги мазкур жанг тақдирини ҳал этганлигини кўрсатади. Айнан жангдан олдин ҳам, жанг вақтида ҳам Хоразмшоҳ бетоб бўлган³³.

МУҲОКАМА

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, манбалардан фақатгина Жувайнийнинг асарида (Насавийнинг маълумотларига мос равишда) жанг вақтида Жалолиддин бетоб бўлганлиги зикр қилинган³⁴. Кейинги давр араб-форс манбаларидан Жузжонийнинг “Табоқати Носирий” асарида мазкур жанг тафсилотлари ҳақида маълумотлар учрамайди, балки фақат жангдаги рақиблар ва унинг натижаси баён этилади³⁵. Жувайний ва Рашиддиннинг асарларидаги маълумотлар бир-бирга яқин ва ўхшашдир. Унга кўра, қанчалик ҳаракат қилмасин, Жалолиддиннинг кучи сон жиҳатидан устун бўлган Койкубод I ва Малик Ашраф бошчилигидаги иттифоқчилар қўшинини енгишга етмаган. У катта талофат билан бўлса-да, тепаликка чиқишга муваффақ бўлган ва ўзининг кам сонли одамлари билан қочиб кутулган³⁶.

З.М.Буниятовнинг сўзларига кўра, Ясса – Чаман жангидан сўнг ғолиблар мағлубиятга учраган душманларининг бутунлай йўқ қилинишини хоҳламаганлар. Муаллиф Шамсиддиннинг "Шарафнома" асарида иқтибос келтириш билан ўз фикрини асослаган.

²⁸ Ўша асар. С. 254.

²⁹ Histoire des Seldjoucides d’Asie Mineure d’apres l’abrege du Seldjouknameh d’Ibn-Bibi. Pp. 147-159. Ал-Камил фи-т-тарих. «Полный свод по истории». С. 397.

³⁰ Малик Ашраф – Айюбийлар сулоласининг вакили (1178 – 1238). 1228-йилгача Шимолий Месопотамия ва Хилот вилоятининг ҳукмдори. 1228 йилда акаси Малик Муаззам (Жалолиддиннинг иттифоқдоши) вафот эткандан сўнг унинг ўғли билан биргаликда Сурияни ҳам бошқарган. Кония султони Койкубод I раҳбарлигидаги 1231 йилги Жалолиддинга қарши иттифоқ таркибида асосий кучлардан бири бўлган.

³¹ Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов, 1097 – 1231. С. 175.

³² Ал-Камил фи-т-тарих. «Полный свод по истории». С. 397.

³³ Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны. С. 255.

³⁴ Чингиз-хан. История завоевателя мира. С. 319.

³⁵ Tabakāt-i-Nāširī. P. 297.

³⁶ Чингиз-хан. История завоевателя мира. С. 319. Сборник летописей. С. 29.

“Унга бўлган қўрқув ва эҳтиром уларнинг қалбларини шу қадар қаттиқ эгаллаб олдики, улар уни таъқиб қилишга журъат этолмадилар ва орқага қайтдилар”³⁷. Бироқ бу асарнинг кейинги даврда ёзилганлиги ва юқоридаги фикрлар муаллифнинг шахсий ёндашуви бўлиши мумкинлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Насавийнинг асарида Дамашқ султони Малик Ашрафнинг мағлубиятга учраган Жалолиддинга йўллаган номаси ҳақидаги маълумот мавжуд. Унга кўра, мактубда султоннинг минтақа ва ислом оламидаги мавқеидан келиб чиқиб, ундан келгусида тинч ҳаёт кечириши сўралган, холос³⁸.

Мўғул босқинчилари Ясси – чаман жангидан сўнг Жалолиддиннинг кучсизланиб қолганидан исмоилий савдогарлар орқали хабардор бўлиб, 1230 – 1231 йилларда Эрон ва Озарбайжонни эгалладилар. 1231 йил август ойининг бошларида Жалолиддин мўғуллар тақибидан қочиш чоғида курдлар қўлига асир тушади ва ўлдирилади. Унинг ўлиmidан сўнг ашаддий душманлари ҳам бунга ишонмаганлар. Малик Ашраф бу хабарни эшитгач, ғайридин мўғулларга қарши курашувчи сўнгги ислом халоскори вафот этганини тан олди³⁹. Ибн Асир ва Ибн Восил каби араб тарихчилари Жалолиддиннинг бундай яқун топган тақдирида унинг ўзини айблашса-да, сўнгги сўз ўрнида ислом оламини мўғуллар томонидан босиб олинишига қарши курашган ягона шахс Жалолиддин бўлганлигини тан оладилар ва уни қатъият рамзи ва иймон байроқдори сифатида зикр этадилар⁴⁰.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Жалолиддин Мангубердининг Яқин Шарқ, Кичик Осиё, Кавказ ва Эрон ҳудудларида олиб борган фаолияти мўғуллар босқинига қарши курашиш учун олиб борилган саъй-ҳаракатлар эди. Хоразмшоҳларнинг сўнгги вакили Ҳинд дарёси бўйидаги жангдан сўнг мўғулларга қарши куршиш учун мустаҳкам давлат тузиш ва кучли иттифоқчиларга эга бўлиши кераклигини яхши англаган. Шу мақсад йўлида у юқорида келтирилган ҳудудларнинг ҳукмдорлари билан иттифоқ тузишга эришди. Бироқ унинг 1225 – 1230 йилларда олиб борган ҳужумкор сиёсати, кизикқонлиги, атрофидаги аёнларининг нотўғри маслаҳатлари каби омиллар ҳукмдор тақдирининг ҳалокатли яқунланишига олиб келди. Энг муҳими, Жалолиддин Мангубердининг бош мақсади – мўғул босқинчиларига қарши кураш йўлидаги иттифоқчиларининг охиригача кураша олмасдан таслимчилик йўлига ўтганлиги ҳам унинг интилишлари самарасиз яқунланишига сабаб бўлди.

REFERENCES

1. Tabakāt-i-Nāṣirī: A General History of the Muhammadan Dynasties of Asia, Including Hindustan and the Irruption of the Infidel Mughals into Islam. by Minhāj-ud-dīn, Abū-'Umar-i-'Usmān. Transl. by H. G. Raverty. Vol. 1. London. 1881. P. 294-295.
2. Насави. Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны. Пер. З. М. Буниятова. Баку. 1973. С. 142-143.
3. З.М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 1097 – 1231. М. 1986. С. 163.
4. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 1097 – 1231. С. 162.
5. Шихобиддин Муҳаммад Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти. К. Матёкубов таржимаси. Тошкент. 1999. 199-бет; Ибн Асир. «Ал-Камил фи-т-тарих». «Полный свод по истории». Избранные отрывки. Пер. П. Г. Булгакова, Ш. С. Камолитдина. Ташкент. 2006. С. 370-371; Джувейни. Чингиз-хан. История завоевателя мира. Пер. Е.Е. Харитоновна. Москва. 2004. С. 298-299.

³⁷ Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов, 1097 – 1231. С. 182.

³⁸ Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны. С. 261.

³⁹ Ўша асар. С. 296.

⁴⁰ Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти. 422-бет.

6. Ibn Khaldun. Al-Ibar va divan al-mubtida va-l-habar. Journal Asiatique. Paris. 1849. T. XIV. Pp. 510–518; Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны. С. 172.
7. Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Пер. А. К. Арндса, Ю. П. Верховского, О. И. Смирновой, Л. А. Хетагурова. Москва. 2002. С. 243-244; Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны. С. 185; Ал-Камил фи-т-тарих. «Полный свод по истории». С. 392-393; Чингиз-хан. История завоевателя мира. С. 309.
8. Ibn-Bibi. Histoire des Seldjoucides d'Asie Mineure d'apres l'abrege du Seldjouknameh d'Ibn-Bibi. Texte Persan. Recueil de textes relatifs a l'histoire des seldjoucides. M.Th. Houtsma. Vol. IV. Leiden, 1902. Pp. 147-159.
9. Natanzi Moin ad-Din. Montahab at-tavarih-e Moini. Tehran. Translate by. N. Hossieni. 1957. P. 23.
10. Ал-Камил фи-т-тарих. «Полный свод по истории». С. 388-395; Султон Жалолоддин Мангуберди хаёти. 224-265-бетлар.
11. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов, 1097 – 1231. С. 176.
12. Histoire des Seldjoucides d'Asie Mineure d'apres l'abrege du Seldjouknameh d'Ibn-Bibi. Pp. 147-159.
13. Histoire des Seldjoucides d'Asie Mineure d'apres l'abrege du Seldjouknameh d'Ibn-Bibi. Pp. 147-159. Ал-Камил фи-т-тарих. «Полный свод по истории». С. 397.